Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки сажда орасида ўтирганларида: «Эй, Аллоҳим! Менга раҳм қилгайсан, мени кечиргайсан, офият, ҳидоят ва ризқ бергайсан!», деб дуо қилар эдилар

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам икки сажда орасида ўтирганларида: «Эй, Аллоҳим! Менга раҳм қилгайсан, мени кечиргайсан, офият, ҳидоят ва ризқ бергайсан!», деб дуо қилар эдилар».
[Шавоҳидлари билан ҳасан] [Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар икки сажда ўртасида, ҳар бир мусулмоннинг дунё ва охирати учун зарур бўлган: – Мағфират билан бирга гуноҳларни сатр қилишини ва Раҳмат ато этишини – Шубҳа, шаҳват ва турли касалликлардан офиятни – Ҳаққа ҳидоят ва унда собит қилишини – Иймон, илм ва солиҳ амаллар – Ҳалолдан бўлган ризқни ато этишини сўраб дуо қилардилар .

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/10930